

## СОЯ ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШГА ЭҲТИЁЖ, МАЙДОНЛАРИ ВА БУГУНГИ ҲОЛАТИ

**М.А.Ғойипова**

мустақил изланувчи

**Д.Ё. Ёрматова**

профессор

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда ва дунё соячилиги, ишлатилиши, озиқ-овқат саноатидаги ўрни ҳамда ўсимлик мойига бўлган эҳтиёж, соя дони ишлаб чиқариш ва соя майдонлари уруғчилик хўжаликлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** соя дони, соя шроти, майдон, гектар, ўсимлик ёғи, оқсил, изолят, дон ҳосили, уруғчилик.

Мамлакатимизда суғориш учун сув манбаларининг танқислиги, Орол муаммоси, янги ўзлаштириладиган ерларни кенгайтириш имкониятини чеклайди. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини жадаллаштиришда суғориладиган ерлардан самарали, интенсив фойдаланиш, бир йилда 2 ва 3 ҳосил олиш, республикамизда дон, сабзавот, полиз, мойли экинлар ва ем-хашак этиштиришни кўпайтиришнинг муҳим заҳираси ҳисобланади.

Сўнгги йилларда дунё миқёсида соя бозори чорвачилик, паррандачилик хўжалирининг соя шротига бўлган талаби ошиши, соя мойидан биодизел ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиши сабабли барқарор ривожланди. Сўнгги ўн йилликда соя ишлаб чиқаришнинг ўртacha йиллик ўсиш суръати 2,7 фоизни ташкил этди, дунё миқёсида соя савдоси 5,1 фоизга ошди. 2019/20 йилларда дунёда соя дуккагининг ялпи ҳосили қарийб 342 миллион тонна (2009/10 йилга нисбатан +31 фоиз)га ва жаҳондаги савдоси қарийб 152 миллион тонна (+ 65%)га ўсишига олиб келди.

Дунёда соя ишлаб чиқаришнинг ўсиши экин майдонларининг кўпайиши ва ҳосилдорликнинг ошиши ҳисобига таъминланди. Сўнгги ўн йил ичida экилган соя майдонининг ўртacha йиллик ўсиш суръати 1,7 фоизни ташкил қилди ва

гектарлар ҳосилдорлиги 1,0 фоизга ошди. Натижада, 2019/20 йилларда дунёда соя экилган майдон 122 миллион гектардан кўпроқни ташкил этди (2009/10 йилга нисбатан + 19 фоиз), дунё бўйича ўртacha ҳосилдорлик – гектарига 28 центнер (+ 10%)ни ташкил этди.

Ўзбекистонда соя ўсимлигини экиш майдонлари йилдан йилга кенгаймоқда. 2022-йилда 146,5 минг гектар, шундан 82,5 минг гектар очиқ майдонларга ва 64,0 минг гектар ғўза қатор ораларига соя экилиши режалаштирилган. Хусусан, 2018-йилда 18 500 гектарга, 2019-йилда 19 800 гектарга, 2020-йилда 17 314 гектар майдонда соя етиштирилган. 2022 йил якунига қадар республикада жами 165,0 минг тонна соя дони етиштириш прогноз қилинмоқда. Ундан 34 минг тонна ўсимлик мойи ва 128 минг тонна соя шроти ишлаб чиқилади. Соя шроти эса, саноат усулида боқилаётган 38 млн бош паррандага йўналтирилади.

Аслида ҳозиргача мамлакатда мойли уруғ хом ашёси етишмайди, шуниниг учун хориждан ўсимлик мойи импорт қилиб олиб келинади. Ўзбекистонда мойли экинлар етиштириш бўйича ўтган 2021 йил ҳисобига қараганда 313,6 млн долларлик (2020 йилга нисбатан ўсиш – 21,6 фоиз) ўсимлик мойи импорт қилинган. Бу умумий озиқ-овқат маҳсулотлари импортида энг юқори улушга эга бўлган иккинчи турдаги маҳсулот (буғдой ва ун маҳсулотларидан кейин) ҳисобланган. Ўсимлик мойи асосан ушбу давлатларга Россия Федерациясига – 207,6 млн долларлик импорт, 66,1 фоизни, Қозоғистон республикасига – 79,5 млн долларлик импорт, 25,3 фоизни, Украина давлатига – 8 млн долларлик импорт, 2,55 фоизда импорт қилинган.

Ўзбекистон ички бозорининг ўсимлик ёғи импортига боғлиқлик даражаси бўйича ўсимлик ёғига бўлган ички талабнинг 40 фоиздан кўпроқ қисми импорт маҳсулотлар ҳисобига таъминланади.

Бугунги кунда республикада мойли ўсимликлардан бири бўлган соя ўсимлигини етиштиришга эътибор берилмоқда. Соянинг асосий ва такорий экиш учун тавсия этиладиган навлари. Узбекская-2, Орзу, Грация, Олтин тож, Сочилмас, Ойжамол, Фаворит, Маданият “Б”, Славия, Дуар, Арлета, Спарта, Селекта 302 каби навлари экилмоқда.

Соянинг алмашлаб экишдаги ўрни шундан иборатки, ўзидан кейин соя тупроқни унумдор, бегона ўтлардан тоза, органик моддалар ва азотга бойитган ҳолда қолдиради. Тупроқнинг сув-физик хоссалари, биологик фаоллиги соя экилгандан кейин сезиларли ортади. Маълумотларга кўра бизнинг тупроқ иқлим

шароитида ғўза, шоли, маккажўхори, сабзавот экинлари, бошоқли дон экинлари соя учун яхши ўтмишдош.

Кўплаб ўтказилган тажрибалар донли экинлар соя учун энг яхши ўтмишдош эканлигини кўрсатади. Ўзбекистон шоличилик илмий – тадқиқот институтида ўтказилган тажрибаларда соядан кейин шолининг ҳосилдорлиги 20–30 % ошган. Соя бир майдонга сурункасига 2–3 йил экилганда ҳосилдорлиги сезиларли даражада камаяди. Тажрибаларда соя буғдойдан кейин экилганда 25,2 ц/га дон ҳосили олинган. Кузги буғдой ҳосили кунгабоқар, маккажўхори, сулидан кейин экилгандагига нисбатан, соядан кейин экилганда 5,7–7,1 ц/га ошган. Соя ўзи ва ўзидан бошқа дуккакли дон экинларидан кейин жойлаштирилмайди. Ўзбекистонда пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда сояни алмашлаб экишларга киритиш экинлар ҳосилдорлиги, тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бир гектарда мавсум давомида 75-80 кг биологик азот тўплайди.

Соянинг дони озиқ-овқатга кўп ишлатилади. Унидан қандолат ва бошқа тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади. Яшил дуккаги озиқ-овқат ва консерва саноатида ишлатилади. Ёғи озиқ-овқатга ишлатиладиган қимматли ўсимлик мойидир, Шунингдек, совун, лак, буёқ тайёрлашда ишлатиладиган техникавий хом ашёдир.

Соя изоляти буғдой унига қўшиб нон ёпилади. Соя тўқимачилик, пластмасса саноати ва бошқа тармоқларда ишлатилади. Шроти сероқсил концентрат сифатида молларга берилади, чунки бу вактда соя шроти таркибида оқсил миқдори 65-70 фойизгача ошади. Таркибидан мойи сиқиб олингандан сўнг оқсил миқдори ошиб бориши кузатилади.

Эътиборлиси, соя ўсимлигини ғўза қатор орасига механизациялаштирилган ҳолда экиш мумкин. Шунинг учун ҳам ўсимликни ерга қадашдан олдин экиш сеялкалари ва қатор ораларига ишлов бериш агрегатлари мослаштириллади. Бу эса бир пайтда ғўза ва соянинг экилишини, улардан юқори ҳосил олишни таъминлайди. Бу усул борасида келажакда бир қатор илмий ишлар олиб бори лади

Ўзбекистонда соя ва бошқа мойли экинларга талаб ортиб бораётгани инобатга олиниб, 2022-йилда мамлакатда биринчи соя ва мойли экинлар элита уругчилик хўжалиги ташкил этилди. Марказлашган уруғчилик хўжалиги учун синов тариқасида Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани Олтинбошоқ массивидан 512 гектар ер майдони ажратилиб, майдонларнинг 357 гектарига соя

ва 100 гектарига масхар экилиши йўлга қўйилди. Ушбу экин майдонларидан йил якунигача 800 тонна ҳажмдаги сара уруғликлар этиштирилиши режалаштирилган. Республикада асосий экин сифатида соя экишнинг мақбул муддатлари жанубий ҳудудларда 25-мартдан 5-апрелгача, марказий ҳудудларда 1-апрелдан 15-апрелгача, шимолий ҳудудларда эса 15-апрелдан 25-апрелгача бўлган муддатлар ҳисобланади. Эртапишар навларни эса май ойининг ўртасигача бўлган муддатларда экиш мумкин. Такрорий экин сифатида экиш муддати июнь ойида кузги бошоқли дон экинларининг йигим-теримидан сўнг амалга оширилади. Ҳосилни йиғиш ишлари экиш вақтига ва навларнинг эрта ёки кеччишарлигига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Соя оқсили ҳайвон оқсилига жуда ўхшаш. Шу боис, соя ёғсиз унидан парранда ва кичик уй ҳайвонлари (қўй, ечки) сут ва гўштли қорамолларнинг рационида оқсил манбаи сифатида фойдаланилади. Шу билан бирга соя ёғи инсон организмида ҳазм қилиниши осонлиги ва безараарлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Соя оқсилидан сут, қатик, творог, пишлоқ, турли гўшт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва экологик тоза сифатли ўсимлик мойи олинади. Соя уни қўшиб тайёрланган нон маҳсулотлари бир неча кунгача юмшоқ ҳолда сақланиши ва тўйимлилиги билан ҳам ажралиб туради.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда мойли экинлар этиштириш бўйича семинарлар ташкил қилинди, кунгабоқар ҳамда соя этиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб, фермер хўжаликларига тақдим этилди, шунингдек уларга сифати юқори, серҳосил уруғликлар етказиб берилди ва маълум микдорда бўнак маблағлари ажратилган.

Амалга оширилган ишлар натижасида қарийб 45 минг тонна, жумладан 29 минг тоннага яқин кунгабоқар, 16 минг тонна соя дони этиштирилди ва корхоналарга келтирилди. Мойли экинлар этиштириш ишларида, айниқса “Фарғона ёғ-мой”, “Ёғгар”, “Турон Ходжайли”, “Нурли дон”, “Учқўрғон ёғ-мой”, “Каттақўрғон ёғ-мой” корхоналари фаоллик қўрсатиб келмоқда. Ушбу хом ашёни қайта ишлаш натижасида 11 минг тонна экологик тоза ўсимлик мойи ва 30 минг тонна оқсилга бой, чорва ҳайвонлари учун ўта зарур бўлган шрот олинишига эришилади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон ички бозорининг ўсимлик ёғи импортига боғлиқлик даражаси ўсимлик ёғига бўлган ички талабнинг 40 фоиздан кўпроқ қисми импорт маҳсулотлар ҳисобига таъминланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)**

1. Ёрматова Д, Н.Шомуратов – Донли экинларни етиштириш технологияси. Тошкент, 2008 – 4-9 б.
2. Т.Бўриев, Р.Жўраев, О.Алимов - Дала экинлари махсулотларини саклаш ва бирламчи кайта ишлов бериш технологияси. Ташкент. 2003.-4-11 б.
3. Э.Останақулов, Х.Халилов, Қ.Луков, Е.Санаев – Такрорий экинлар фаровонлик манбаи. Самарқанд. 2017. 27-35 б.
4. Ёрматова Д. Ўзбекистонда соя етиштириш – Тошкент: Ўзбекистон, 1983-20-40 б.
5. Ҳамраева М.К. Ёрматова Д. Соя етиштириш агротехникасини илмий асослаш. Тошкент. 2021 23-28 б.
6. D. Yormatova., M.K.Hamroyeva., N. Sobirova. Soya Grain and Technology of its Produktion. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, ISSN: 1583-6258, Vol. 25, Issue 1, 2021, Pages/ 5753-5755. Received 15 Desember 2020; Accepted 05 January 2021. Skopus.